


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



**“ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ҲАМДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”**

мавзусидаги республика
илмий-амалии конференцияси
материаллари тўплами

Тошкент шаҳри
2018-йил 24-апрел

УУК: 81.512-1

КБК: 84(5У)

Тақризчилар: проф. Ф.Каримов
проф. Т.Жўраев

Тахририят хайъати: и.ф.д., проф. **Х.Хайдаров**; и.ф.н., доц. **Ж.Каримқулов**;
и.ф.н., доц. **Э.Эргашев**; и.ф.н., доц. **Л.Зоиров**, и.ф.н., доц. **Н.Қосимова**;
и.ф.н., доц. **Р.Шомуродов**; к.ўқ. **Х.Хаджаев**; к.ўқ. **Р.Мардонова**; ўқ.
Г.Назарова; ўқ. **М.Жаббаров**; ўқ. **Э.Рахимов**.

Т-36 **“Истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада кенгайтириш йўллари”** мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.:“Adabiyot uchqunlari”, 2018. - 546 б.

Ушбу тўпلامдан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғига асосан 2018 йил 24 апрел куни Тошкент молия институти “Бизнес ва тадбиркорлик” ҳамда “Баҳолаш иши ва инвестициялар” кафедралари томонидан **“Истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни янада кенгайтириш йўллари”** мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари ўрни олган.

Тўпلامда конференция натижалари бўйича истикболли инвестиция лойиҳалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари, соҳага доир муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан келтирилган амалий таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

Мазкур тўпلامга киритилган маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тўғрилиги ҳамда танқидий фикр-мулоҳазала, келтирилган таклифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

УЎК: 81.512-1
КБК: 84(5У)

ISBN 978-9943-987-04-3

юретишини таъминлаш:

— банк пластик карточкалари оркали ўтказилган тўловларни савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларининг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларига ўтказилишини автоматлашган банк тизими (АБТ)га узлуксиз реал вақт режимида узатилиши бўйича зарурий чоралар кўриш;

— банкларнинг “Мобиль-илова” дастурини жорий этиш ва ушбу дастур оркали кредитни сўндириш, бюджет ва солиқ тўловлари, алоқа тўловлари, интернет-сайтлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш, мобиль иловалардан кенг фойдаланган ҳолда он-лайн режимида банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахслар учун бир пластик карточкадан бошқа бир пластик карточкаларга маблағларни кўчириш амалиётини янада кенгайтириш;

— электрон “он-лайн”, дўконлар (E-POS) тармоғини кўпайтириш ҳисобига банк пластик карточкаларидан фойдаланувчилар учун товар ва хизматларни интернет тармоғи оркали харид қилиш имкониятларини яратиш, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини кучайтириш;

— банк хизматлари турлари ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўп сонли мунтазам чиқишларни амалга ошириш, аҳолининг мақсадли турухлари учун молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тегишли интернет сайтларида амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати, банк назорати ҳамда банкларнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисида миқозлар олиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан кенг қўламдаги маълумотларни жойлаштириб бориш;

— аҳоли гавжум жойларда, йирик корхона ва ташкилотларда, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида пластик карточкалар оркали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи инфокиосklar сонини кўпайтириш, уларнинг доимий ишлаш ҳолатида бўлишини таъминлаш каби вазифаларга қаратилади.

Умуман олганда миқозларнинг замонавий, янги банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантириш, хизмат кўрсатишда маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ҳамда банклар таваккалчиликларини камайтириш банк тизимининг келажақда хизматлар доирасини кенгайтиради ва банклар фаолиятининг ривожланишини таъминлайди.

КРЕДИТ РИСКНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Кенжаев Меҳриддин Ғиёсович - катта ўқитувчи, ТМИ.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон банк тизимини халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бирига айлантириш, аynи пайтда у халқаро талабларда белгиланган бир қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга эканлиги ва банклар фаолиятида амалга ошириладиган операциялари натижасида эришган иқтисодий кўрсаткичлари бу фикрларимизни тасдиқлайди. Банк тизимида ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтиришдан иборат.

Тижорат банклар фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш ёрдамида